

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

320 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таъ-
тиллар даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғриси-
даги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
24 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2597*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 майда-
ги 115-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида
Республика ўқувчи-ёшлар марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғри-
сида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазир-
лиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Рес-
публика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллар даврида ўқувчиларни қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Халқ таълими вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 16 июнь,
40-сон

У. ИНОЯТОВ

Соғлиқни сақлаш вазири

Тошкент ш.,
2014 йил 16 июнь,
9-сон

А. АЛИМОВ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни
сақлаш вазирлигининг 2014 йил 16 июндаги
40, 9-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига таътиллер
даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 5 майдаги 115-сонли «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузурида Республика ўқувчи-ёшлар марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика ўқувчи-ёшлар марказига (бундан буён матнда Марказ деб юритилади) таътиллер даврида ўқувчиларни қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Марказ таътиллер даврида болалар соғломлаштириш оромгоҳи сифатида фаолият кўрсатади.
2. Марказга таътиллер даврида республика умумтаълим мактаблари ўқувчилари, жумладан ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болалар қабул қилинади.

2-боб. Марказга қабул қилинадиган ўқувчилар тақсимоли

3. Марказга кузги, қишки, баҳорги таътиллер даврида ва ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсумида яхши натижаларга эришган 270 нафардан ўқувчи қабул қилинади.
4. Марказга кузги, қишки, баҳорги таътиллер даврида Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги умумтаълим мактабларининг 7 — 9-синф ўқувчилари қабул қилинади. Бунда ҳар бир вилоят бўйича 7, 8 ва 9-синфларнинг ҳар биридан 30 нафардан ўқувчи танлаб олинади.
5. Марказга ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги умумтаълим мактабларининг 7-8-синф ўқувчилари қабул қилинади. Бунда ҳар бир қабул мавсумида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича уларнинг ҳар биридан 7-синфлардан 9 нафар, 8-синфлардан 10 нафардан, Республика бўйсунлишидаги умумтаълим муассасалари 7-8-синфларининг ҳар биридан 2 нафардан ўқувчи танлаб олинади.
6. Кузги, қишки ва баҳорги таътиллер даврида Марказга қабул қилинган ўқувчилар ёзги таътил даврида Марказга қабул қилинмайди.

Ёзги таътил даврининг бир қабул мавсумида дам олган ўқувчилар ёзги таътил даврининг кейинги мавсумларига такроран қабул қилинмайди.

7. Кузги, қишки, баҳорги таътиллер даврида ҳамда ёзги таътилнинг ҳар бир қабул мавсумида ўқувчиларнинг Марказда бўлиш муддатлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади. Бунда ўқувчиларнинг Марказда бўлиш муддатлари ёзги таътилнинг ҳар бир қабул мавсумида 10 кундан, кузги, қишки ва баҳорги таътиллер даврида 7 кундан кам бўлмаслиги лозим.

3-боб. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш мезонлари

8. Марказга ушбу Низомнинг 2-бандида назарда тутилган ўқувчилар қуйидаги мезонлар асосида танлаб олинади:

«Билимлар беллашуви» мусобақасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичи иштирокчилари;

фан олимпиадалари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларининг 1 — 5-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларида чет тили, информатика ва бошқа фанларни «аъло» баҳоларга ўзлаштираётган ўқувчилар;

«Умид ниҳоллари», «Қувноқ стартлар», «Алпомиш» ва «Барчиной» спорт мусобақаларининг умумтаълим мактаблари, туман (шаҳар) босқичлари 1 — 3-ўрин совриндорлари;

умумтаълим мактабларининг «Энг фаол ўқувчи» номинацияси ғолиблари;

«Хуқуқ билимдонлари» республика танловининг туман (шаҳар) босқичи 1 — 3-ўрин совриндорлари;

«Энг яхши китобхон ўқувчи» танловининг туман (шаҳар) босқичи ғолиблари;

умумтаълим мактабларининг иқтидорли ва ижодкор (шеър ёзадиган, расм чизадиган ва ҳ. к.) ўқувчилари;

халқ таълими органлари ва «Баркамол авлод» болалар марказлари томонидан ташкил этиладиган турли тадбирлар ғолиблари ва фаол иштирокчилари;

музыка ва санъат соҳаси бўйича халқаро ва республика танловлари ғолиблари;

ички тартиб-қоидаларга қатъий амал қиладиган намунали ўқувчилар;

умумтаълим мактаблари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотининг фаол аъзолари.

9. Мазкур Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мезонлардан камида биттасига мос келган ўқувчи Марказга қабул қилиш учун танлаб олинади. Ўқувчилар сони белгиланган ўринлар сонидан кўп бўлганда нисбатан кўпроқ мезонларга мувофиқ келадиган ўқувчилар танлаб олинади.

4-боб. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссиялари фаолиятини ташкил этиш

10. Марказга ўқувчиларни қабул қилиш учун танлаб олиш мақсадида ҳар бир умумтаълим мактаби, халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссиялари ташкил этилади.

11. Умумтаълим мактабининг Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссияси (бундан буён матнда умумтаълим мактаби комиссияси деб юритилади) умумтаълим мактаби директорининг буйруғи билан қуйидаги таркибда тузилади:

директор;

директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари;

директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари;

«Камолот» ЁИХнинг умумтаълим мактабидаги бошланғич ташкилоти етакчиси;

1 нафар тажрибали ўқитувчи.

12. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш бўйича туман (шаҳар) комиссияси (бундан буён матнда туман (шаҳар) комиссияси деб юритилади) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирининг буйруғи билан қуйидаги таркибда тузилади:

мудир;

мудир ўринбосари — методик таъминлаш, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва давлат таълим стандартлари мониторинги гуруҳи раҳбари;

таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш шўъбаси раҳбари;

таълим муассасаларининг ўқув-тарбия жараёнини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари;

давлат таълим стандартларига риоя этиш мониторингини методик таъминлаш кичик гуруҳи раҳбари.

13. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари (бундан буён матнда ҳудудий комиссия деб юритилади) қуйидаги таркибда тузилади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вазир ўринбосари, Умумий ўрта, мактабгача тарбия ва дарсликлар бўлими бошлиғи, Маънавий-маърифий тарбия ва спорт бўлими бошлиғи ва 1 нафар тажрибали ходим;

вилоятларда — вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, умумий ўрта, мактабгача таълим ва дарсликлар бўлими бошлиғи, маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўйича бош мутахассис ва 1 нафар тажрибали ходим;

Тошкент шаҳрида — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари, бошлиқ ўринбосари — маънавий-ахлоқий тарбия, спорт ва мактабгача таълим бўлими бошлиғи, Умумий ўрта таълим ва дарсликлар бўлими бошлиғи ва 1 нафар тажрибали ходим.

14. Марказга ўқувчиларни қабул қилиш учун танлаб олиш бўйича республика комиссияси (бундан буён матнда Республика комиссияси деб юригилади) Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг буйруғи билан 7 кишидан иборат таркибда тузилади.

15. Умумтаълим мактаби комиссияси томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллار даври учун 7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 1 нафардан, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 7-8-синфларнинг ҳар биридан 1 нафардан ўқувчилар мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида танлаб олинади ва умумтаълим мактаби комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

16. Умумтаълим мактаби комиссияси томонидан танлаб олинган ўқувчилар учун қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан берилган ўқувчининг ижтимоий ҳолати тўғрисида маълумотнома;

ўқувчи мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган мезонларга мос келиши ҳақида тегишли ҳужжатлар нусхалари илова қилинган умумтаълим мактаби томонидан берилган тавсифнома;

ўқувчининг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилик хати.

17. Умумтаълим мактаби комиссияси томонидан танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва умумтаълим мактаби комиссиясининг тегишли қарори кузги таътил даври учун 5 октябргача, қишки таътил даври учун 2 декабргача, баҳорги таътил даври учун 15 февралгача, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 10 апрелгача туман (шаҳар) комиссиясига тақдим этилади.

18. Республика бўйсунушидаги умумтаълим муассасаларида ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва умумтаълим мактаби комиссиясининг тегишли қарори 21 апрелга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этилади.

19. Туман (шаҳар) комиссияси томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллار даври учун 7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 5 нафардан, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 7-8-синфларнинг ҳар биридан 2 нафардан ўқувчилар мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида танлаб олинади ва туман (шаҳар) комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

20. Туман (шаҳар) комиссияси томонидан танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва туман (шаҳар) комиссиясининг тегишли қарори кузги таътил даври учун 9 октябргача, қишки таътил даври учун 6 декабргача, баҳорги таътил даври учун 19 февралгача, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 17 апрелгача ҳудудий комиссияга тақдим этилади.

21. Худудий комиссия томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллер даври учун 7-9-синфларнинг ҳар биридан 40 нафардан, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 7-синфлардан 12 нафар, 8-синфлардан 13 нафар ўқувчилар мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида танлаб олинади ва худудий комиссиянинг қарори билан тасдиқланади.

22. Худудий комиссия томонидан танлаб олинган ўқувчиларнинг ҳужжатлари ва худудий комиссиянинг тегишли қарори кузги таътил даври учун 13 октябргача, қишки таътил даври учун 10 декабргача, баҳорги таътил даври учун 23 февралгача, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 21 апрелгача Республика комиссиясига тақдим этилади.

23. Республика комиссияси томонидан кузги, қишки, баҳорги таътиллер даври учун 7 — 9-синфларнинг ҳар биридан 90 нафардан, ёзги таътил даврининг ҳар бир қабул мавсуми учун 7-синфлардан 128 нафар, 8-синфлардан 142 нафар ўқувчилар мазкур Низомнинг 8-бандида белгиланган мезонлар асосида танлаб олинади ва Республика комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

24. Республика комиссиясининг қарори уч кун ичида Марказга ва худудий комиссияларга юборилади.

25. Қўйи турувчи комиссия томонидан тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган тақдирда, юқори турувчи комиссия томонидан қўйи турувчи комиссияга мазкур камчиликларни бартараф этиш ҳақида топшириқ берилиши зарур.

5-боб. Ўқувчиларнинг Марказга келиш ва кетишларини ташкил қилиш

26. Ўқувчиларнинг Марказга келиш ва кетишларини ташкил қилиш учун тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ҳамда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғининг буйруғи билан 2 нафардан масъул ходимлар (кузатувчилар) тайинланади.

27. Республика бўйсуншидаги умумтаълим муассасаларидан танлаб олинган ўқувчиларнинг Марказга келишлари ва кетишларини ташкил қилиш Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг масъул ходимлари (кузатувчилари) зиммасига юклатилади.

28. Масъул ходимлар (кузатувчилар) олий педагогик маълумотга ҳамда бирламчи шошилинич ёрдам кўрсатиш кўникмаларига эга бўлган, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни зудлик билан ҳал қила оладиган ходимлар орасидан танлаб олинади.

29. Масъул ходимлар (кузатувчилар) ўқувчиларни Марказга қўйидаги ҳужжатлар билан бирга олиб бориши лозим:

тегишли худуддан Марказга қабул қилинадиган ўқувчилар рўйхати;

ҳар бир ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси нусхаси;

ҳар бир ўқувчи учун соғломлаштириш оромгоҳига кетаётган ўқувчининг тиббий маълумотномаси (079/х шакл).

30. Ўқувчиларни Марказга қабул қилиб олиш ва уларни кузатишни ташкил қилиш учун Марказ директори, директор ўринбосари, тиббиёт ходими ва 2 нафар педагог ходимлардан иборат таркибда Марказнинг қабул ва кузатув комиссияси тузилади.

31. Марказнинг қабул ва кузатув комиссияси ўқувчиларни мазкур Низомнинг 29-бандида кўрсатилган ҳужжатлар асосида қабул қилади. Бунда масъул ходимлар (кузатувчилар) томонидан тақдим этилган тегишли ҳудуддан Марказга қабул қилинадиган ўқувчилар рўйхати Республика комиссиясининг қарорига мувофиқлиги текширилади.

32. Марказга қабул қилиш вақтида ҳар бир ўқувчи тиббий текширувдан ўтказилиб, ҳар бир ўқувчи учун боланинг тиббий картаси (026/х шакл) очилади ва мавсум давомида юритилади.

33. Марказдан кетаётган ўқувчиларга Марказда яшаган даврида уларга кўрсатилган тиббий хизматлар тўғрисида маълумотнома берилади.

6-боб. Яқуний қоидалар

34. Марказга ўқувчиларни танлаб олиш комиссиялари ўқувчиларнинг мазкур Низомда белгиланган тартибда танлаб олиниши ҳамда зарур ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгардир.

35. Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари ва Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи соғломлаштириш оромгоҳига кетаётган ўқувчининг тиббий маълумотномаси (079/х шакл) тўғри расмийлаштирилишини назорат қилади.